



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлайди



Йилги Давлат бюджетни тўғрисидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мазкур масалаларни парламентнинг ўн олтинчи сессияси муҳокама-сига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентнинг ўн олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

салалари кўмитаси раиси А. Аҳадовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қўмита ва комиссияларда

Кеча Олий Мажлис Иқтисодий ишчи гуруҳи мажлисида депутатлар фракцияларининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни маъқулладилар. Шундан сўнг, депутатлар парламентнинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни маъқулладилар. Шундан сўнг, депутатлар парламентнинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни маъқулладилар.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида қўмита томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз юритилиб, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарилишига тадбиркорлик жорий этилганлиги, хусусий мулк вужудга келганлиги, хўжаликларга иқтисодий мустақиллик берилганлиги, давлат ва деҳқон ўртасида янгича муносабатлар шаклланишига ва бошқа ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжумани. Маълумки, юртимизда Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб умуммамлакат оммавий марафони ўтказилмоқда. Марафони ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад энгил атлетика спорт турини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва оммавийлаштиришдан иборат. Бир ҳафтадан бунён марафон қизгин давом этапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн иккинчи йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн иккинчи йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ҳақдор бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
- а) биринчи марта содир этган жинояти учун ҳажо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шакслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлмаган эркеклар;
- г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилган сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.

Партия фракциясида

Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисида депутатлар фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Т. Даминов олиб борди. Депутатлар, давтавал, фракциянинг беш йиллик фаолиятини таҳлил қилишди. Сўнгра Олий Мажлисининг бугун бошланмақ сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни маъқулладилар.

Блокларда

Шу кунги Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлар блокларининг йиғилиши ўтказди. Уни блок раҳбари С. Хусенов олиб борди. Депутатлар, давтавал, парламентнинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар билан танишиб, уни маъқулладилар. Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2005 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси ҳақида молия вазири С. Раҳимовнинг ахбороти тингланди. Депутатлар бюджет лойиҳаси сессия муҳокама-сига киритилишини тасдиқладилар.

Шу кунги Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлар блокларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу кунги Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлар блокларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни блок раҳбари А. Саидов олиб борди. Йиғилишда, давтавал, блокнинг беш йиллик фаолияти таҳлил қилинди. Таъкидландики, блок аъзолари қонун лойиҳаларини тайёрлаш, амалдаги қонунлар тарғиботи ва назорат-таҳлилида фаол қатнашди. Шунингдек, йиғилишда депутатлар Олий Мажлисининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар билан танишиб, уни маъқулладилар.

Ёш сайловчи фаол бўлса...

Жиззах вилоятида жами 501 минг 442 нафар сайловчининг 33 минг нафардан зиёдини илк бор овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёшлар ташкил этади. Уларнинг сиёсий фаолигини ошириш мақсадида сиёсий партиялар ҳамда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари, энг аввало, ёшлар ўртасида сайловчиликни ўрнатишда фаол қатнашмоқда. Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган учрашувида талабалар, ёш тадбиркорлар, зиёлилар қатнашди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзоси Б. Норхўжаев бу йилги сайловларнинг ўзига хос моҳияти ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Шундан сўнг ёш сайловчилар вилоятда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вакилларининг ўз партиялари тўғрисидаги чиқишларини тингладилар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар заллида очилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 2 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Қ.НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

Мақоланинг нафси тегди

Газетамизнинг шу йил 22 сентябрь сонида «Уй-жой ҳўжалигидаги қусурлар» сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда Тошкент шаҳридаги айрим туманларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишдаги камчиликлар тилга олинган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга келган расмий жавобларда шундай дейилади:

«Мақолада келтирилган Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/19 уй аҳолиси номидан соғуқ сув йўқлиги тўғрисидаги шикоят бўйича мазкур ҳудудда 19,20,25,17, 30 уйлари сўв таъминотини ахшиллаш мақсадида соғуқ сув қуевуларини шаҳар марказий сув тармоғига улаш ишлари бажарилиб, С.Раҳимов тумани, А.Ҳидойатов кўчаси, 3-корпус, 64-хонадонда яшовчи Э.Маматовнинг хонадони томи таъмирлаб берилди. Шайхонтоҳур тумани, Бериуий кўчаси, 8- ва 10-уйлар аҳолиси номидан қилинган шикоят бўйича бузуқи кунда уйнинг ертўла-қури-тилиб, тозаланди. Уйнинг томи жорий таъмирдан чиқарилиб, аҳоли иссиқ ва соғуқ сувлар билан таъминотини таъминланмоқда. «Чақар-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли Самарқанд дарбоза кўчаси, 1-а уйнинг лифти таъмирланиб, ишга туширилди. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлигаси бosh директорининг ўринбосари Б.РАҲМОНОВ».

«Ҳақиқатан ҳам, Янгийўл шаҳар ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлари иссиқ ва соғуқ сув билан таъминлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Шу боис мақола юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, аҳолининг коммунал хизмат тури учун тўланадиган қарздорликни бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил қилинган. Улар график асосида ҳокимиятнинг масъуа ходимлари билан биргаликда фуқаролар билан суҳбатлар ўтказишмоқда. Аҳоли қарздорлигини ундирили-шини таъминламоқдалар. Бундан ташқари қорхона ва ташкилотларда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг коммунал хизматлар учун бўлган қарзлари ушбу қорхоналарнинг ҳоҳишига кўра олдик маошларидан тўғридан-тўғри коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналарига ўтказиб берилиши йўлга қўйилди. Бузуқи кунда «Иссиқлик манбаи» қорхона-сида кузи-қуши масъуега таъйёрлик ишлари якунланмоқда. Янгийўл шаҳар ҳокими З.ФАЙЗУЛЛАЕВ».

Бугун иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XVI сессияси ўз ишини бошлайди

Мажбурият масъулияти

Кўмига кейинги беш йиллик фаолияти давомида республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланган давлатга айланишига қаратилган қонунилар ишлаб чиқиш, амалдаги қонуниларни такомиллаштириш, қабул қилинган қонуниларнинг ижросини назорат-таҳлил қилишга алоҳида эътибор берди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдаланувчи моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ бахшиши" фахрий унвонини, "Жалолиддин Мангуберди", "Фидо-корона меҳнатлари учун" ордениларни таъсис этиш тўғрисидаги бир қатор меъриёв ҳужжатлари тасдиқланди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида"ги, "Эл-юрт хурмати", "Дўстлик" ордениларни таъсис этиш тўғрисидаги қонуниларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шундай қилиб ҳисобот даврида кўмига томонидан тасдиқланган 6 та қонун ҳамда 10 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлифлар Олий Мажлис сессияларида маъқулланди.

Кўмитанинг назорат-таҳлил фаолиятига назорат қилинган бўлса, бу борада ҳам бевосита жойларнинг ўзидан тегишли чора-тадбирлар ўтказилди.

Маълумки, кейинги кичка давр ичида таълим тизимида оид бир қатор қонунлар, дастур, Президент фармонлари қабул қилинди. Булар бари мазкур соҳада самарали натижаларга эришишга сабаб бўлди. Аммо, ана шу қонунлар ижросида ютуқлар билан бирга камчилик ва муаммолар борлиги ҳам аниқланди. Масалан, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг Сурхондарё вилоятида амалга оширилиши бўйича қилинган ишлар таҳлили шуни кўрсатди.

Миллий дастурнинг ижроси юзасидан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида тегишли дастур қабул қилинмаган. Вилоят мактабларида чет тили, бошланғич таълим, математика, кимё, физика, тарих фанлари ўқитувчилари етишмаслиги, умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси қониқсиз эканлиги аниқланди. Шунингдек, 334 та компьютер ишламаслиги маълум бўлди.

Маълумки, Миллий дастурни амалга ошириш босқичларида қўра, кадрларга бўлган талаб, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг истиқболли режалари қабул қилинган бўлиши лозим. Лекин вилоятда кадрларга ҳозирча

Олий Мажлисининг мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳаётига оид муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши қўллаб-қувватлаган XVI сессияси кун тартибидagi масалалар юрдушларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг умумхалқ ҳуқуқимизга қўйилган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳасига муносабатда ҳам кўриш мумкин.

Янада мукаммаллик зарур

Авалло, шунингдек, жамиятимизда ушбу ҳуқуқий ҳужжатга катта эътиҳоз сезилган эди. Шубҳасиз, мазкур лойиҳа қонун мақомига олиш, мамлакатимизда пенсия таъминоти соҳасининг ислоҳ қилинишида бош омил бўлади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида давлат пенсиялари қўшимча таъминот яратилиши шундай усулдан фойдаланиш келинади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, қонуннинг аҳамияти бекиёв. Айниқса, у қанча мукаммал бўлса, самардорлиги шунча юқори бўлади, албатта.

М. Йўлдошев, иқтисод фанлари доктори, профессор. И. Тўрсунов, юридик фанлари номзоди.

Салоҳият ва жамакорлик

— Изидор Андреевич, Сиз раҳбарлик қилаётган кўмига ўтган вақт мобайнидаги фаолиятида асосий диққатини қандай масалаларга қаратди? — Кўмитанинг ўтган давр ичида 18 та йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда 57 та масала, хусусан, 13 таси қабул қилинган қонун ва қарорларнинг бажарилиши устидан назорат доирасида кўриб чиқилди. Кўмига асосий диққатини почта алоқаси, хавфли юкларни транзит қилиш, товар белгилари, қимматбаҳо металлдан ясалган маҳсулотларнинг асбоблик даражаси ва тағамланishi, шаҳарсозлик, ахборотлаштириш бўйича ҳуқуқий базани шакллантиришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини назорат қилишга қаратди.

Шу масалалар бўйича кўмига киритган 11 та қонун лойиҳаси ва 11 та қарор республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди. Олий Мажлисининг III сессиясида қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида бир хил ҳимоядаги ва турли шаклдаги мулк эгалари бўлган операторларнинг почта алоқаси бозоридagi иштироки, бу борадаги халқроҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш ва почта алоқаси соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби янги ҳуқуқий меъриёлар ўз аксини топди. Қонунда почта алоқаси соҳасида бозор муносабатлари шартларида рақобат муҳити яратиш ва монополистик фаолиятни чеклаш имкониятлари яратилган.

IV сессияда маъқулланган «Қурилиш соҳасида ҳуқуқий зарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни меъриёларида қурилиш соҳасида юридик шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик қўрсатилиши ва давлат томонидан қурилиш сифати устидан назорат кучайтирилди. Уша сессияда «Махсус юклар ва ҳарбий таркибининг транзити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонун асосий мақсади — ҳарбий таркиб ҳамда махсус назорат талаб қилинган юкларни транзит қилишда ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Еттинчи сессияда «Қимматбаҳо металлдан ясалган асбоблик даражаси ва тағамланishi тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизнинг зарғарлик ва бошқа қимматбаҳо металлдан ясалган асбоблар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича дунёда катта маънага эга давлатлар қаторига қўшилиш мақсадида қабул қилинди.

Олий Мажлисининг қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига шаҳарсозлик соҳасида янги ҳуқуқий меъриёлар қўрилиши асосида мустаҳкамланди. Ҳужжат давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги фаолиятида ҳамда қурилиш моллари ва бошқа махсулотларни ишлаб чиқаришда фуқаролар давлат ва жаммоат таъминоти манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий меъриёларини яра-

тишти йўналтирилган. — Ҳар қандай давлат иқтисодийнинг жадал ривожланишида янги технологиялар ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш муҳим ўрин тутди. Бу борада қилинган ишлар ҳақида гапириб берамиз. — Дарҳақиқат, бу масала бугунги кунда мамлакатимиз учун ҳам долзарб бўлиб турибди. Шу туфайли кўмига янги технологиялар ва

жими, унга эғалик қилиш ҳуқуқи ҳамда Миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш таъминоти рақамли имзони шакллантириш янги ҳуқуқий муносабат меъриёлари ўз аксини топган.


Уша сессияда маъқулланган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунда электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзони шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий меъриёлари қайта этиланган. Ушбу меъриёларга амал қилинганда электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатдаги шахсий имзо каби юридик кучга эга бўлади. Қонунда электрон рақамли имзо қилишнинг амал қилинганда электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатдаги шахсий имзо каби юридик кучга эга бўлади. Қонунда электрон рақамли имзо қилишнинг амал қилинганда электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатдаги шахсий имзо каби юридик кучга эга бўлади.

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолиятида нима дея ола-миз?

— Ўтган давр ичида кўмига томонидан қатор хориж давлатлари, хусусан, Чехия, Словакия, Козогистон ва бошқа мамлакатлар делегацияларини қабул қилди. Бундан ташқари, шу вақт мобайнида кўмига турли мавзулар бўйича 10 та давра суҳбати ва семинар ўтказди. Кўмига томонидан 360 та хат ва мурожаат ўрганилди, 130 нафар фуқаро қабул қилинди. Унда кўриб чиқилган масалаларнинг кўпчилиги ижобий хал қилинди.

Кўмига парламентнинг бошқа бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият юритди. Улардан ташқари қонун лойиҳаларини чуқур ўрганилиб, керакли тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўхбатни «Халқ сўзи» муҳбири Салим ДУНИЁРОВ эътибор олди.



Олий Мажлисининг бугун очилган XVI сессияси Ўзбекистон тарихида ўз ичига қолдирган бир палатали парламент фаолиятига яқин ясади. Депутатлар қонун яратиш бобида бой тажрибага эга бўлиши. Улар сафида 121-Улуғбек сайлов округидан Абдурафиқ Аҳадов, 96-Бахт сайлов округидан Нурдинжон Исмоилов ва 90-Наманган сайлов округидан Баҳодир Мамадалиев (ўндоғи суратда) ҳам бор.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Харажат кам, натижа эса юқори

Президентимиз халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги натижа жорий йилда Ховос ва Мирзаобод туманларида пахта ҳосилдорлиги 10 центнерни ташкил этгани гоят ачинарлидир, деб таъкидлади. Ваҳоланки, Андижон вилояти Кўргонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер ҳўжалигида кейинги уч йил ичида 60 гектар майдондан 2001 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 14 центнер кўп пахта етиштирилди. Шунча майдондаги хирмондан эса қанча даромад фойда келиши мактаб ўқувчисига ҳам беш қўлда маълум.

Мазкур фермер ҳўжалигида олий маълумотли мутахассис, қишлоқ ҳўжалиги техникаси бўйича бир неча иختиро ва рационализаторлик тақлифларининг муаллифи, таник-лик пахтакор, Олий Мажлис депутати Алижон Аҳмедов раҳбарлик қилади. Унинг айтишича, эриштирилган ютуқларнинг омилларидан бири — бу пахта етиштиришда янги технология, янги услуб жорий этилганлидир.

— Кейинги йилларда республикада қишлоқ ҳўжалиги, шў жумладан, унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантиришга, аниқта, янги технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Алижон Аҳмедов ўзининг кўп йиллик ишланishлари самараси бўлиши янги технологиянинг моҳияти ҳақида фикр юритаркан. — Масалан, «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-ҳолдинг» компанияси Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманида модель ҳўжалиги ташкил этган бўлиб, бу ерда австралиялик фермер Терри Нотин технологияси қўлланилмоқда. Унга қўра, биринчидан, ернинг топографиясига мослашган ишлаб чиқиш, компьютер дастури асосида маъжуд майдоннинг мақбул даражада суғориш йўналишлари ва қийликлари белгилашган. Бу ўз самарасини бермоқда: суғориш осланиб, об-ҳаво сарфи камаймоқда, ернинг унумдорлиги эса ошмоқда. Иккинчидан, тракторлар

кенг қамровли тирков мосламалари: севалка ва культиваторлар билан таъминланган. Бу ўз навбатида нафақат уларнинг юқори унум билан ишлашига, балки оғир техника воситаларининг ерга таъсирини камайтиришига ҳам имкон берапти. Дейлик, бир тракторнинг ишлов қамрови 7,5 — 8 метрни ташкил этса-да, унинг гилдиреклари бор-йўғи 1,2 метр юқори, яъни ўша майдоннинг 15 фоиз қисмини замзамалайди, холос. Учинчидан, модель ҳўжалигида ерни яросли плуг ёрдамида ағдариб қайтадан

дан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, ўз тажрибамга таяниб, ер ҳайдаш агрегати, тупроққа ишлов бериш ва ўғит солиш усулларини яратди. Учала иxtиромга ҳам 2000 йилда Давлат патент идорасининг тегишли ҳўжатларини олдим.

Бизнинг усулимизни жорий этиш учун қўшимча техника сотиб олиш шарт эмас. Ерни ҳайдаш агрегати, тупроққа ишлов бериш ва ўғит солиш мосламаларини фермер ҳўжалигининг қўлида мундоқ лойиҳа шартларида янги яросли ишлаб чиқарилган деталлар асо-

сида яратдик. Уларни Т-4А, Т-150К, МХМ-140, шунингдек, «Магнум» тракторларига ҳам тиркаб ишлатиш мумкин.

Янги усулда, аввало, комбинацияланган агрегат билан жўк ичи бир ўтишда чўқур юмшатилди. Амалда юмшатил чўқурлиги 45-50 см. ни ташкил этади. Шу билан бир вақтда ички қатламга фосфор, калий ўғити аралашмоқда: асосий қисми, яъни 60 фоиз 35-40 см. чўқурликда, қолган қисми эса старт ўғити сифатида 15-20 см. чўқурликда солинади. Ўғит айнан уруғ экиладиган ва ўсимлик илдизи ривожланишига жўйга мақбул усулда солиниши туфайли ўсимликни ўғитга бўлган талаби янада жўшроқ қондирилади.

Сўнгра агрегат пуштани жўк томон суриб, чўқур юмшатилган жойнинг устида пушта ҳосил қилади. Натижада олдинги пушта ўрнида жўк, жўк ўрнида эса пушта ҳосил бўлади. Бу операцияларнинг ҳаммаси бир ўтишда бажарилади. Янги пайдо бўлган жўк эсти ҳайдалмайди. Жўк эсти эчи, яъни сув ўтказиши паст бўлгани, учун кузги-кузги ёғин сувлари ундан юмшатилган пушта тупроқлари остига ўтиб, ўсимлик учун керак жўлда бўлган ҳолда ҳам пуштанида. Бу сув сарфини 15-20 фоизга камайтириш имконини беради. Баҳорда

ер тайёрлашдек кўп харажат талаб этувчи 5-6 операцияларни қисқартиради, ўрнига қўзда тайёрланган пушталарга экин экиб кетилаверади. Ер қўздаёқ экишга тайёр бўлгани учун, мураккаб баҳорги об-ҳаво шароитларида ҳам энг мақбул муддатларда экин имконияти яратилади.

Ер устида техникаларнинг ўтиш сони қисқариши, амалда фақат экин экиладиган жўй ҳайдалиши ва баҳордаги ер тайёрлаш ишлари камайиши тупроққа йил давомида механик таъсирини анча азайтириш, унинг деградацияси суриятини пасайтириш имконини беради. Бунда ёнилиги сарфи ҳам 30 фоизгача камайди. Ҳар йили экин экиладиган ер алмаштириши эса (олдинги йилда пахта экиган пушта жўкка айланади) ердан унумдорликни сақлашга қўмақлашади.

Кўриниб турибдики, Алижон ака яратган технология туфайли қўзда ер ағдариб қайдалмайди, аксинча, фўзалоя йиғиштирилиб олган жўк агрегат ёрдамида чўқур юмшатилди, баҳорда эса чигит бевосита пуштага экилади. Эсингизда бўлса, ота-боболаримиз ҳам бир вақтлар ернинг қиялигини ҳисобга олиб, омон ёрдамида ўқоқ жўк, тўғри жўк, қўндаланг жўк олиб, уларнинг ичига гўн солгандан сўнг кетмон билан иккитасидан бирини текислаб, пушта тайёрлаганлар. Баҳорда эса жўкка пайқоёб чикмайидиган тарзда сув тўлдириб, нам ерга чигит экканлар. Шу усулда ҳам гектарига 60 центнердан ҳосил етиштирилган.

Бу йил қўшни Хўжабод туманидаги А. Набиев номи ширкат ҳўжалигида ҳам 400 гектар ерда ана шу технологиянинг бошланғич босқичи жорий этилган эди. Самара шў бўлиди, ҳосилдорлик 34,5 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,1 центнер кўндр.

— Бу ерда ҳам, муҳими, янги усулнинг қўлланиши туфайли ёнидги ва сув сарфи — харажатнинг камайгани, аммо ҳосилдорлик ошиши ҳисобига пировад натижа — даромаднинг қўнғайганини кузатдим, — дейди Алижон ака Аҳмедов.


Янгилик, албатта, самара беришининг исботи эмасми бу?

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Республикаси Қонуни меъриёларида қурилиш соҳасида юридик шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик қўрсатилиши ва давлат томонидан қурилиш сифати устидан назорат кучайтирилди.

Хамжамият Ваколатлари Кенгаюди

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ер юзиде дунё халқларини ўзиде бирлаштирган энг катта таъсирга эга халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилди. У орадан ўтган ярим асрдан зиёд давр мобайнида ўз олдига қўйган мақсадлар, жумладан, сайёрамизда яшаётган барчанинг тенглигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, башариёт томонидан тўлланган билимлар ва маданиятин асраб қолиш, жаҳон аҳолисининг фаровонлиги ва саводлигига эришиш йўлида тарихда чуқур эз қолдирган ишларни амалга оширди.



Лекин сўнгги йилларда илм-фан тараққиёти, тобора тезлашиб бораётган глобаллашув жараёни ва айниқса, барча мамлакатлар олдига юзага келган хавф — халқаро терроризмнинг пайдо бўлиши сингари омиллар БМТ институтларини ислоҳ қилиш эҳтиёжини юзага келтирди.

Эслатиб ўтиш жоизки, бу ҳақда биринчи бўлиб мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, қолаверса, бошқа юксак минбарлардан туриб жиддий тақлифларни илгари сурган эди. Жумладан, Президентимиз Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг сонини кўпайтириш ва бу органнинг фаолиятини такомиллаштириш госясини

тақлиф этганди. Ниҳоят, вақт Президентимиз тақлиф ва мулоҳазаларининг нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатди. БМТга аъзо бўлган кўплаб давлатлар ташкилот фаолиятини

таркибиде Евгений Примаков (Россия), Робер Бадинтер (Франция), Садака Огата (Япония), Брент Скоукрофт (АҚШ) каби давлат ва сиёсат арбоблари бор. Тахмин қилинишича, комиссия БМТ таъсирини оширишда аънанавий қарашлардан холи жиддий лойиҳалар ишлаб чиқиши кутиляпти.

Ташаббус гуруҳи тайёрлаган маърузада айтилишича, БМТ қошида махсус тинчликпарвар комиссия ташкил этилиши ва у дунёнинг "оловли нукталари"даги вазиятни ва зиддиятларни кузатиши, таҳлил этиши, зарур ҳолларда огоҳлантириши, маслаҳат бериши, ҳатто, ҳарбий амалиётлар ўтказишга тайёрлик ишлари билан шуғулланиши айтилади.

Комиссия лойиҳасида БМТга аъзо барча давлатлар зиммасига ўз фуқароларини ҳар қандай шариотда ҳам ҳимоя қилиш масъулиятини юклаш кўзда тутиляпти. Маърузада БМТ

Хавфсизлик Кенгашининг икки модели тақлиф қилинган. Биринчисига кўра, доимий аъзолар сонини кўпайтириш, лекин уларга вето ҳуқуқини бермаслик, иккинчисига, ХКга аъзоларни ҳар тўрт йилда сайлов йўли билан танлаш тақлифи илгари сурилган.

БМТ таъсирини ошириш мақсадида минтакавий ташкилотлар (жумладан, Африка Иттифоқи каби) ўрнини мустахкамлаш керак. Лойиҳада таъкидланишича, Катта Сақизлик таркиби ҳам ўзгаради. Тахмин қилинишича, ушбу таркиб кенгайтирилиб, айни пайтдаги ривожланган мамлакатлар унга аъзо бўлиб қиради. Давлатлар сон 20 тагача этиши кутилмоқда.

Юқорида келтирилган барча тақлифлар дастлаб БМТ Бош қотиби томонидан ўрганилади, кейин аъзо давлатлар муҳокамасига қўйилади.

Юнус БУРОНОВ.
"Халқ сўзи" мухбири.

ИТЕС Хиндистоннинг техникавий-иктисодий ҳамкорлик дастуридир. Ҳар йили минглаб одамлар шу дастур доирасида дўст давлатда билим ва хунар ўрганиб қайтган

кентдаги элчихонасида ИТЕС дастури кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда дастур доирасида дўст давлатда билим ва хунар ўрганиб қайтган

ИТЕС дастури куну

ишлаш, менежментлик, банк иши, тўқимачилик технологияси, кичик тадбиркорлик, меҳмонхона бошқаруви каби соҳаларда билим олишди.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ИТЕС дастурида қатнашиб келади. Уша йили мамлакатимизнинг 49 нафар фуқароси Хиндистоннинг турли ўқув курсларида таҳсил олишган эди. Орадан ўтган ўн йил давомида улар сон 800 нафардан ошиб кетди. Хиндистоннинг Тош-

фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан Хиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва Мухтор элчиси Шарат Сабахвал ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Исмаилов Эргашев дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар, икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар йил сайин кенгайиб бораётгани ҳақида гапирди.

Кучма такрорий овоз беришга қарши

Украина президенти Леонид Кучма сайловларнинг иккинчи тури қайта ўтказилиши ҳақидаги гоани қўллаб-қувватламаслигини, янгидан сайлов ўтказиш



тарafdи. Мамлакатдаги иқтисодий аҳвол масалаларига бағишланган йиғилишда қайта сайлов ўтказиш тақлифини билдирганини эслатиб ўтди. Ва у қайта овоз беришга мулқоқ қарши эканлигини таъкидлади. «Дунёда сайловларнинг учинчи тури бўлганми? Такрорий овоз бериш бу ҳаммаси барбод бўлди, деганидир. Мен бунга асло қўшилмайман, чунки такрорий сайлов конституцияга зиддир», деди президент. Кучманинг фикрича, бу фақат оддий ижтимоий сўров бўлиши мумкин, холос. Бу Ющенконинг ноқонуний инаугурациясидан кейинги яна бир конституцияга зид қадам бўлади, деди Леонид Кучма.

Қурбонлар сону 500 нафарга етди

Филиппинда давом этаётган сув тошқинлари оқибатида 345 нафар инсон ҳалок бўлган, яна 152 киши бедарак йўқолган. Бу ҳақда мамлакат қутқарув хизмати вакиллари баёнот бердилар. Табиий офатдан мамлакат пойтахти Маниладан 75 км. узоқда жойлашган Кезон музофоти аҳолиси катта азият чекди.

Президент истеъфога чиқди

Мозамбикда мамлакат президенти ва парламент учун сайловлар бўлиб ўтапти. 18 йил ҳокимият тепасида бўлган президент Жоаким Алберту Чиссано истеъфога чиқди.

Англашилмовчилик тугайди

Калифорния (АҚШ)да истикомат қилувчи Томас Ли Голдстейн асоссиз равишда 24 йил қамоқ жазосини ўтаганини сабабли маҳаллий ҳокимият вакиллари судга берди. Яқинда суд 1979 йилда унинг қотилликда айбонлиги ва берилган жазо ноҳақ бўлганини тани олди. Энди Голдстейн бунинг учун тоов талаб қилмоқда.

Вазирнинг мактуби

АҚШ ички хавфсизлик вазирлиги раҳбари Том Риж истеъфога чиқди. Президент номига ёзган хатда у келаси йилнинг февраль ойида ўз лавозимида қолиши мумкинлигини билдирган. Олдин Пенсилвания штатининг губернатори бўлган Риж вазирликка 2003 йил январда раҳбар этиб тайинланган эди. 18 минг ҳодим ҳизмат қиладиган ички хавфсизлик вазирлиги 2001 йил 11 сентябрда вазирликнинг қайта ташкил этилган, унинг таркибига чегарани қўриқлаш, эмиграция ва бошқона хизматлари қиради.

Террорчиларга қарши кураш

Покистоннинг жануби-ғарбидаги Кветта шаҳрида юз берган тўқнашувда «Ал-Қоида» ташкилотининг аъзоларидан бири деб тахмин қилинган жангари ҳалок бўлди. Бундан ташқари, хавфсизлик хизмати ходимларидек, 11 нафари жароҳатланган. Шунингдек, Британия полицияси ҳам мамлакат шимолидаги Манчестерда кенг миқёсдаги ақсилтеррор операциялар ўтказди. Рейдлар давомида бир қанча шахслар ҳибсга олинган.

Бедаволардан Ваз кечилади

Франция Миллий мажлиси депутатлари бедаво дардга чалинган беморларга тинчгина ҳаётдан кўз юмиши инқирони берувчи қонун қабул қилди. Бир йил аввал Мари Юмбер исмли француз аёл давосиз дардга йўлққан ўғлини азоблардан ҳалос этиш мақсадида унга токсик дори бериб юборган эди. Ушандеёқ, жамоатчиликнинг анча катта қисми бу аёлнинг ёнини олган ва бу борада қонун қабул қилиш талаби билан чиқканди.

3 тонна кокаин ушлаб қолинди

Португалиянинг Фаро шаҳрида ўтказилган операция чоғида уч тоннага яқин кокаин қўлга олинди. Полициянинг хабар беришича, кечаси ўтказилган рейдларда Голландия давлат рақамли юк автомобилдан ўта юқори сифат билан тайёрланган 2963 кг оғирликдаги кокаин топилган. Шунингдек, уч нафар голландиялик ва бир испаниялик ҳибсга олинган.

Сохта шаҳзода

Японияда ўзини император хонадон вакили деб таништириб юрган шахс устидан суд бошланди. Утган йил апрелда 400 га яқин ўта юқори даражадаги меҳмонлар шаҳзода Арисувага нархасини ниқоҳ маросимига йиғилди. Турли тантанали қишлоқлардан сўнг йиғилганлардан айрим нарсалар учун пул йиғиб олинди. Меҳмонлар дастурхонда оддий таомлардан ҳам, маросимда император хонадонининг бошқа аъзолари йўлқидган ҳам шубҳаланмади. Фақат олти ой ўтган, полиция уч нафар фирибгарни қўлга олганча улар боплаб алданганини, тўғри фирибгарлар ўтказганини билишди, деб ёзди The Daily Telegraph.

Хоризж мазбуот хабарлари асосида тайёрланди.

Совместное предприятие,

занимающаяся добычей и производством бентонитового глинопорозка, объявляет набор на конкурсной основе на следующие вакансии для работы в г.Навои:

- заместитель генерального директора;
- начальник производственно-технического отдела;
- главный инженер.

Резюме высылать по факсу: 120-43-01, 120-43-02, 120-43-03 или e-mail: humanresource@mail.ru. Все подробности при собеседовании.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ироқда Саддам Хусайн режими ағдарилганидан сўнг орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳамон тўла тинчлик ўрнатилгани йўқ. Деярли кунора қайсибир шаҳарда террорчилик содир этилмоқда, сиёсий мақсад билан қимдир ўйрилмоқда. Дунё ахли, биринчи навбатда, ироқликлар мамлакатда тезроқ тинчлик ўрнатилишини исташапти.

Ироқ: парламент сайловига тайёргарлик

Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак? Қандай қилиб Ироқда барқарорликка эришиш мумкин? Бу саволга жавоб излаган мутахассислар мамлакатда парламент сайловларидан сўнг тинчлик сари қадам ташланади деган фикрни илгари сурмоқда.

Ироқ Марказий сайлов комиссияси яқинда бу умумхалқ тадбири 2005 йилнинг 30 январь куну бўлиб ўтишини маълум қилди. Унга тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ававалига ушбу сайловни ўтказиш мудиати келгуси йилнинг 27 январига мўлжалланган эди.

Иордания қироли Абдулла Францияда чиқадиган «Фигаро» газетасига берган интервьюсида, Ироқда ҳозир сайлов ўтказиб бўлмайди, дейди. Унинг фикрича, мамлакатдаги нотинчлик тадбирнинг кўнглидагидек ўтишига йўл қўймади. Бундан ташқари, ҳозир Ироқ чегараси мустаҳкам эмас. Хоҳлаган одам бемалол кириб келиши мумкин, дейди у. Четдан келадиган ташвиқотчилар эса сайловнинг кутилганидек натижа беришига ҳалат қил беради.

Қиролнинг таъкидлашича, Ироқ ўтиш ҳуқуқига ва Америка ҳарбийлари собик режим тарафдори дея ҳарбий қисмлардан бўшатилган зобитларни тезлик билан яна сафга қайтариш зарур. Улар мамлакатда тартиб ўрната оладиган тажриба ва билимга эга, дейди Абдулла.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ироқда парламент сайлови куну аниқ, Эндиғи ва-

зифа уни тинч йўл билан ўтказиб олишди. АҚШ ҳуқуқати ҳар қандай шариотда ҳам 30 январь куну сайлов бўлиб ўтишини билдирди.

Ироқдаги сайловда БМТ фаол иштирок этади. Бу ҳақда Мисрининг Шарм аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда ҳам таъкидланди. Ироқ ва Яқин Шарқ муаммоларига бағишланган ушбу халқаро анжуманда Европа Иттифоқи, Араб давлатлари лигаси, Ислон конференцияси ташкилоти, АҚШ, Россия, Хитой давлатлари делегациялари иштирок этишди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан халқаро ҳамжамиятни Ироқдаги сайловлар яқини ўтишига кўмаклашишга ундади. У, агар сўндай қилинса, Ироқ тинчлик ҳужумрон мамлакатга айланишини таъкидлади. Бош қотиб, шунингдек, араб давлатларини, дунёдаги бой мамлакатларни Ироқни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга чақирди.

Конференцияда раислик қилган Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абул Гейтнинг қайд этишича, анжуманда 14 пунктдан иборат лойиҳа ишлаб чиқилган. Унда Ироқдаги сайлов жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини кўчатириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Эслатиб ўтаимиз, 30 январга мўлжалланаётган сайловда 275 нафар депутатдан иборат муваққат парламент сайланади. Бу парламент янги ҳуқуқат таркибини тасдиқлайди.

Б. УММАТОВ.

Ўлик денгиз ўлим ёқасида

Ўлик денгиз суви инсонни қўллаб қасалликлардан ҳалос қилиши ҳаммамизга маълум. Афсуски, шифобахш денгизнинг ўзи ҳозирда инсон ёрдамига муҳтож. Ўлик денгиз ҳалокатга юз тутмоқда. Уни қатъий чора-тадбирларгина қутқариб қолиши мумкин. Бу ҳақда Исроил аτροφомухитни муҳофаза қилиш вазири баёнот берди. Вазирнинг айтишича, денгиз тезлик билан қуриб бормоқда ва яқин орада ер юзидан бутун-

лай йўқ бўлиб кетиши мумкин. Узоқ йиллардан буён Иордан дарёси денгизга қуйилиб турарди. Бироқ сўнгги 10 йилликда Исроил каби Иордания ҳам дарё сувларидан қишлоқ хўжалиги ерларининг катта-катта худудларини суғориш мақсадида фойдалана бошлади. Бу ҳам етмагандай, беш йиллик кургоқчилик қўшимча муаммо туғдирди.

Исроиллик олимларнинг таъкидлашларича,

техник ускуналар жалб этилмаса, денгиз суви сатҳи йилгига тахминан бир метр тезликда қуриб бормоқда. Натижада денгизга яқин худудда жойлашган ер ости сувлари қуриб, атрофдаги ерлар бутунлай издан чиқиши, тенги йўқ жонли табиат ва ўсимликлар дунёси буткул йўқолиб кетиши эҳтимоли бор.

Азиза ИЛХОМОВА.

ДАВЛАТ ТЕСТ-МАРКАЗИГА
дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2005 йил январь-февраль ойларининг қуйидаги кунларида ўтказилади:

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Педагогика	21 январь, соат 9.00
2.	Тиббиёт	28 январь, соат 9.00
3.	Мухандислик	4 февраль, соат 9.00
4.	Иқтисод	11 февраль, соат 9.00
5.	Ҳуқуқшунослик	18 февраль (рўйхат бўйича)

Катнашчиларни рўйхатга олиш давлат тест марказида (Душанбе, ш. Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) соат 8.30дан 9.00гача.

Маълумот учун телефон: 134-46-83. Давлат тест маркази.

Қоғоз чипталар йўқ бўлади

Халқаро ҳаво транспортини уюшмаси (IATA) чипталар савдоси бўйича янги қарор қабул қилди. Унга кўра, 2007 йил 1 январдан бошлаб ушбу маъмулга аъзо барча авиакомпаниялар қоғоз бланкалар шаклидаги чипталардан воз кечиши лозим. Йўловчилар самолётга чиқиш учун аэропортда паспортини кўрсатса, кифоя. У ҳақдаги маълумотлар аэропорт маълумотлар базасига киритиб қўйилади ва йўловчига рейсдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Бу тартиб ҳар бир бланкага сарфланадиган 9 долларни тежаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари, электрон чипталар йўловчиларга бошқа имкониятлар ҳам яратди. Булар рўйхатга олиш жараёнининг соддалаштириши, чипталарни интернет орқали сотиб олиш имконияти, уни йўқотиб қўйиш ҳафсининг бар тараф этилиши қабиладир. Рейс билан боғлиқ

барча жараёнлар — учиш, чиптани алмаштириш, қайтариш ва бошқалар марказлаштирилган маълумотлар базаси орқали бехато назорат қилинади.

Авиакомпанияларга эса янги тизим тўғрисида тўғри савдоларни ошириш, чипталар савдоси устидан қатъий назорат ўрнатилди, шунингдек, қоғоз чипталар билан бўлаётган харажатлар ва вақт сарфини қисқартириш имконини беради.

Мердон ҲУКУЛОВ "Ҳоҳон" АА.

Ушунининг МДХдаги минтакавий вакили Дмитрий Шамраевнинг айтишича, бугунги кунда электрон чипталар савдоси кундан-кун ривожланиб бормоқда. «Бутун дунёда сотилган чипталар савдосининг 17 фоизи электрон равишда амалга оширилган», деди у. «Известия» газетасига берган интервьюсида, Шамраевнинг таъкидлашича, «Битта электрон чипта 9 долларни тежади, янги тизим тула жорий этилган эса 3 миллиард доллар тежаб қолинади». Бироқ ҳозирча МДХ мамлакатларида электрон чипта савдоси кўрсаткичлари анча паст.

IATA томонидан қабул қилинган янги тартиб энди минтакадаги уюшмага аъзо бўлган барча авиакомпаниялар ва давлатларнинг ҳаво йўлларида жорий этилади. Биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг тижорат бўлимининг электрон чипталар, авиакомпаниянинг халқаро уюшмага аъзолиги ҳақидаги маълумотларни ололмадик. Аммо IATAнинг интернетдаги веб-сайти (www.iata.org)даги маълумотларга қараганда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Узавиализинг» компанияси IATA аъзоси сифатида рўйхатдан ўтган. Демак, бизнинг аэропортларимизда ҳам 2007 йилдан электрон чипталар савдоси йўлга қўйилишини кутиш мумкин.

Ботиржон ГОФУРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41 моддасида:
 “Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатланади.
 Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, дейилган.
 Бу дегани мамлакатимизда умумий таълим бепул. Уқиш, ўқитиш учун мактаб ўқувчиси ёки унинг ота-онаси ҳеч кимга пул тўлашга мажбур эмас.
 “Таълим тўғрисида”га Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам мамлакатимиз мактабларида таълим бериш текин эканлиги таъкидланган.

экан, бунча маблаг қарга кетаяпти? Балки у пулни маълум қисмини директор ўз манфаати йўлида сарфлаётгандир. Амалда буни ҳеч ким назорат қилаётгани йўқ-ку.
 Яқинда пойтахтимиздаги мактаблардан бирининг директори ишдан олинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уни кўп миқдорда “синф фонди”ни ўзлаштирилганда айблади. Бу мактабда ҳар

Мулоҳаза

Шу йилнинг 21 май куни Президентимиз томонидан ана шу дастур тўғрисидаги Фармон имзоланди. Маскур Фармонда дастлабки ташкилий ишлардан бири сифатида мактаб таълими жамағатини вужудга келтириш вазифаси қўйилган. Шунга биноан, жорий йилнинг 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамағатини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Орадан кўп ўтмай Бош вазир Ш. Мирзиёев раҳбарлигида Мактаб таълими жамағатининг Бошқарув кенгаши ва ижро этувчи дирекцияси ташкил топди.

Жамағатда мактаблар ислоҳоти учун ажратилаётган давлат бюджетидан маблағлардан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро молиявий ташкилотлар, институтларнинг грантлари ҳамда кредитлари жамланади.

Кўриниб турибдики, республикада мактабларга, таълим тизимига керакли ёрдамни берадиган жамағат ўз фаолиятини бошлади. Шундай экан, мактабларда яна қўшимча фондлар ташкил этишга эҳтиёж бормикан? Буни мутасаддилар ўйлаб кўриши лозим. Ростдан ҳам, бугун мактаб шундай фонд ёрдамига муҳтож бўлса, уни қонуний ҳолда ташкил этган маъқул. Шунда юқорида келтирилган мисолдаги каби мактаб директорлари жавобгарликка тортилиб юрмайди. Ўқитувчи ва мактаблар раҳбарлари пул йиғиш билан шуғулланиш ўрнига ўз ишлари — болаларга билим ва тарбия бериш билан банд бўлади.

Бекўл ЭГМАҚУЛОВ,
 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МАКТАБГА ФОНД КЕРАК, ЛЕКИН...

Лекин сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида, шунингдек, айрим вилоятлардаги таълим муассасаларида ҳам мактаб фонди деган нарса пайдо бўлди. Ота-она ҳар ойда ёки йилига бир марта мактабда ўқитган фарзанди учун маълум миқдорда, дейлик, ойига 300 ёки 500 сўмдан, йилига эса 3000-5000 сўмдан пул беради. Уни синф раҳбари йиғиб олиб, директорга топширади. Директор бу пулни фонд сифатида сейфга солиб қўяди. Бирор зарурат бўлиб қолганда шу пулдан фойдаланади. Айтишларича, мактаб фонди ўқув юртини таъмирлашга, синган парта, стол ва стулларни тузатишга сарфланади.

Ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмай, гўё ўзининг чўнтагидаги шахсий пулни сарфлаётгандай, ишлатиб юбораверади. Ҳўш, бу ҳолат қонунийми? Менимча, йўқ.

Бугун мактаб бутунлай давлат бюджетидан таъминланаётган бўлса-да, унинг таъмири ва бошқа ишларга, дейлик, синган ойналарни, бузилган кулфларни тузатишга қўшимча маблағлар керак бўлаётгани ҳақиқат. Бундан ҳеч ким кўз юммайди. Балки шунинг учун мактаб фонди зарурдир. Лекин у қонун доирасида ташкил этилиши лозим эмасми?

Ҳозир эса ундай эмас. Фараз қилинг, бир мактабда 2000 ўқувчи ўқийди. Ҳар бир ўқувчи ойига 400 сўмдан берса, бир ойда 800 минг сўм, тўққиз ойда 7 миллион 200 минг сўм бўлади. Бу озгина маблаг эмас. Мактаб таъмирига, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат томонидан маблаг ажратилади. Бундан ташқари, ҳар бир синфни таъмирлашга ота-оналар ҳисса қўшаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Яна қанча ҳомий ташкилотлар бор. Шундай

бир ўқувчидан 500 сўмдан мактаб фонди эмас, синф фонди йиғилар экан. Уни синф раҳбарлари жамлаб директорга топширади. Наҳотки, ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари ўзлари қилаётган иш қонунга ҳилоф эканлигини тушунишмаган бўлса? Ўқитувчининг иши “йиғ-йиғ” билан шуғулланиш эмас, болаларга билим ва тарбия бериш-ку, ахир.

Энг ачинарлиси, туман ва шаҳарлар халқ таълими мутасаддилари бундай ноқонуний фондлар ташкил этилганидан хабардор бўлсалар-да жим қараб туришибди. Юқоридаги воқеадан сўнг ҳам ҳулоса чиқариб олишмаяпти.

— Мактабларда фонддан ташқари ҳам “йиғ-йиғ” кўп, — дейди бир таълимчи. — Болаларим бир куни театрда, бир куни кинога билет кўтариб келади. Баъзан эса мактаб раҳбарлари ёки туман халқ таълими бўлими мудирининг танишининг китобини сотиб олишимиз керак. Мен фарзандларим театр ёки кинога боришига қарши эмасман. Бола онгининг шаклланишида китобнинг, санъ

атнинг роли муҳим. Буни тушунаман. Лекин мактаб фондини шу ишларга ишлатиш керак эмасми? Бундан ташқари, ушбу маблагни мактабдаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига китоб, дафтар олиб беришга сарфлаш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Яна бир гап. Мактабларнинг синфларини бо-

риб кўринг, деразалари-га жуда қимматбаҳо пардалар осилган. Мактабга шунчалик қимматбаҳо парда шартмикан?

— Мактабларда мактаб фондидан ташқари, синф фонди, Алпомиш ва Барчиной фонди ҳам бор. Ота-она буларнинг қайси бирига маблаг етказиб берсин? Шахсан менга бунча пулни тўлаш оғирлик қилапти, — дейди бошқа бир сўхбатдошим.

Кўриб турганимиздек, масаланинг яна бир муҳим томони ҳам бор экан. Бугун ҳамма оилалар ҳам мактаб фондини тўлай олмайдилар. Айрим оилаларда уч-тўртта ўқувчи бор. Фонд ташкил қилишда масаланинг бу томонларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртимизда умумтаълим тизимига эътибор кучайди. Юзлаб янги коллеж, лицей ва мактаблар қурилиб ишга туширилди. Уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун давлат бюджетидан миллиардлаб сўм маблаг сарфланди ва сарфланмоқда.

Яқинда эса Мактаб таълими ривожлантириш Давлат умулмиллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги “Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги қўрсатмасига мувофиқ

ШУ ЙИЛ 30 НОЯБРЬ – 3 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
 “Ўзбексавдо” акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳридаги Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 1-ўй.
 “Ўзбекистон” спорт мажмуи клуби биносида

“Файз”, “Ўзқилишқўжалик-холдин”, “Ўқимёсановат”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзагрошарвсервис” компаниялари, “Ўзавтосаноат”, “Ўзэлтехсаноат” уюшмалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзбек қозоғи”, “Ўзқилишқўжаликметалл” акциядорлик жамиятлари, “Ўзметкомбинат”, В.П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати,

“Совпластитал” қўшма корхонаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа корхоналар томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган энгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қозғоқ, зарғарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмолчи товарларига республика ҳудудида жойлашган барча, мулкчилик шаклидан қатъи назар, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ушбу ярмаркага барча нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

“Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси.
 Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25.

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

Декабрь ойининг репертуари

1 чоршанба	18.00	Г. Доницетти. «Лючия ди Ламмермур», опера.
3 жума	18.00	Дж. Верди. «Бал-маскарад», опера.
4 шанба	17.00	М. Ю. Лермонтов таваллудининг 190 йиллигига бағишланган вокал-адабий кеча «Уяғона бўлишга улгурди...».
5 якшанба	17.00	С. Юдаков. «Майсарининг иши», опера.
9 пайшанба	18.00	П. Маскань. «Қишлоқ шарафи», опера.
10 жума	18.00	Дж. Верди. «Риголетто», опера.
11 шанба	19.00	«Офарин» замонавий рақс театри «Рақосса» концерт дастури билан.
12 якшанба	12.00	А. Гладков. «Бремен музикачилари», мюзикл.
14 сешанба	18.00	«Оролбўйи оналари ва болаларига» хайрия концерти. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Марат Ҳақимов ижросида рус романслари кечаси.
15 чоршанба	18.00	Дж. Верди. «Отелло», опера.
16 пайшанба	18.00	«Офтобим» неаполитан қўшиқлари кечаси операнинг етакчи солисти Нурмуҳаммад Султонов такдим этади.
17 жума	11.00	Мамажон Раҳмоновнинг 90-йиллигига бағишланган ижодий кеча.

24 декабрдан 10 январгача Катта театрдa Катта арча «Ўн укку ой» соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00да бошланади.

Театр бош ҳомийси — SAMSUNG Electronics, ҳомий — Le Meridien TASHKENT PALACE HOTEL. Театр директори — Валхитир Ўқубов.
 Бадий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.

Касса дам олишсиз соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Тел.: 133-90-81.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Сизнинг имзоингиз — хар қандай сейфдан афзал!

Аксарият ҳолларда ўғриларни уйда сақланадиган пуллар қизиқтиради. Сизда American Express чеклари бўлса, нақд пулларингиз йўқолишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. American Express чеки уйда сақланаётган нақд пулларингизни ҳар қандай кулф ва сейфлардан яхшироқ асраш имкониятини яратди.

American Express чекларини истаганингизча узоқ муддат сақлашингиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдалана оласиз. Агар чекларни йўқотсангиз ёки ўғирлангангиз, уларни эмитент (одатда 24 соат ичида) тиклаб беради.

American Express — халқаро молиявий корпорациядир. Маскур корпорация 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, иқтисодий вазиятдан қатъи назар чекларнинг тўловини таъминлайди.

American Express чеклари — пулни уйда ва сафар чоғида асраш имкониятидир. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молиявий ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

American Express чекларини Миллий банкнинг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

American Express чеклари — ўзингизнинг “Нақд пулларингиздир”.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим / филиалига, алмашув пунктларига мурожаат қилишингиз мумкин. Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09 www.nbu.com

Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29 www.amex.ru

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2004 йил 30 июлдаги 11-03-05/1226-сонли ҳал қилув қарорига асосан Оҳангарон шаҳрида жойлашган «САНТЕХҚУЙМА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА мавжуд асосий воситалар, инвентарлар, асбоб-ускуналар ва автомеханизмларнинг қайта саноғи яқунлангани муносабати билан 2004 йил 7 декабрь куни бўлиб ўтадиган кредиторлар йиғилишига корхонанинг барча кредиторлари таклиф этиладилар.

Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри саноат зонаси.
 Телефон: 8-264-5-31-41.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи маъмурияти ижодий уй таркибидagi «Гунча» журнали бош муҳаррири Ёқутхон Раҳимовага опаси **Мавжуда ОРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

«O'zagsug'urta» давлат акциядорлик сугурта компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари Шухрат Нурматовга падари бузруквор **ЭРКИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zagsug'urta» давлат акциядорлик сугурта компанияси жамоаси компаниянинг юридик хизмат ва кадрлар билан ишлаш департаментининг бош менежери Шавкатжон Бабажановга волидаи муҳтарамаси **БИБИ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзагрошарвсервис» уюшмаси жамоаси бўлим бошлиғи Жамил Зиятовга синглиси **Фарица ЗИЯТОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (маскул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (маскул котиб — «Народное слово»), М. Миралминов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
 Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 264, 21387 нускада бошланди. Ҳажми — 2 тубок. Офсет усулида бошланди. Қозғоқ бичими А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамил Топилов ва Бақдир Файзулов томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳар кун 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинади. [П]-Тижорат материалли.

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматов. Навбатчи — Р. Ёрлақабов. Муасхих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 22.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5